# «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!»

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2014-yil, 25-fevral. Seshanba • 25 (31.772) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## 2014 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз учун шарқона янги йилнинг бошланиши, энг қадимий, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўз айёмини марказда ва жойларда ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан кутиб олиш ва нишонлаш мамлакатимизда эзгу анъанага айланиб қолди.

Бугунги кунда ушбу умуммиллий байрамнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири, инсоннинг табиат билан уйғун бўлиб яшаши, унинг қалбида эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби олижаноб туйғуларни уйғотиш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизни миллий қадрият ва анъаналаримиз руҳида камол топтириш борасидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ана шуларнинг барчасини инобатга олиб ҳамда Наврўз байрамини юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 1-иловага, ижодий гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита ва унинг ҳудудий бўлимлари Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган, **«Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!»** деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Тадбирлар режасини тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз фаслида инсоннинг табиат билан ҳамоҳанг бўлиб, ўзини табиатнинг ажралмас бир қисми деб ҳис этишини ифода қиладиган, атроф-муҳитни, она заминни эъзозлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

жойларда бўлиб ўтадиган учрашув ва суҳбатларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун севимли байрамга айланган Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, меҳру саховат, кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш;

янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгиланиш, қут-барака, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган байрам дастурларига фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахши-шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини танлов асосида жалб этиш;

байрам дастурларини тайёрлашда халқ ўйинлари, фольклор санъати намуналарига, элюртимизнинг дилидан чуқур жой олган, гўзал инсоний туйғуларни юксак пардаларда тараннум этадиган куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2014 йил 24 февраль*

ЎзХДП: устувор вазифалар



## Электорат манфаати ҳимояси

*самарали бўлиши учун ҳаётни чуқурроқ ўрганиш, аниқ ташаббусларни кўпайтириш керак бўлади*

**Ҳар бир депутат зиммасида сайловчилар ишончини оқлашдек катта вазифа турибди. Бу борада партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлар қандай ишларни олиб боряпти? Сайловчилар манфаати қандай ҳимоя қилинмоқда?**

ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳининг кенгайтирилган қўшма йиғилишида ана шу саволлар ўртага ташланди. ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари ҳамда фаоллар бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

► *Давоми 2-бетда.*

Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!

## Фильтрлар хорижга экспорт қилинмоқда




*Суратда: оператор Иродахон Турғунова.*

**Шаҳрихон шаҳридаги «SDK GROUPAND» масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхонада ўтган йили дунё андозаларига мос 7 миллиард 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шундан 56 минг АҚШ доллари микдоридаги маҳсулот хорижга экспорт қилинди.**

Корхона томонидан «GM-Uzbekistan» ёпиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиллар ва «ISUZU» автобуслари, MAN юк автомашиналарига, қишлоқ хўжалиги техникаларига ҳаво, мой ҳамда ёнилғи фильтрлари етказиб берилмоқда. Булардан ташқари Навоий кон металлургия комбинати, «Шўртангазкимё» мажмуаси буюртмалари бажариляпти. Авваллари бундай маҳсулотлар хориждан келтириларди.

200 нафарга яқин ишчи-ходим меҳнат қилаётган корхонада жорий йилнинг ўтган ойлари кўрсаткичлари ҳам кўнгилдагидек бўлди. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тури 130 тага етди.

— Корхона фаолияти туфайли кўплаб юртдошларимиз муқим иш ўрнига эга бўлдилар, — дейди **ЎзХДП Шаҳрихон туман кенгаши раиси Мухторжон Усмонов.** — Муқим иш ўрни ишончли даромад, манзилли ижтимоий ҳимоя ҳисобланади.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Тиббий ускуналар билан жиҳозланди

**Бугунги кунда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, фуқаролар орасида учрайдиган турли юқумли касалликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, айниқса, оналар соғлиғини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Нафақат шаҳар марказида, балки энг чекка қишлоқ жойларида ҳам аҳолига замонавий тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли поликлиника капитал таъмирланди ва энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Натижада муассаса 500 нафар беморни қабул қилиш ва уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлди.

**Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Бизнинг депутат

## Одамлар ташвиши билан яшаган инсон

*ҳамиша элнинг назарида бўлади*

**Жиззах шаҳридаги 39-мактабгача таълим муассасасига ЎзХДП халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашидаги гуруҳи аъзоси Шоира Фозилова раҳбарлик қилади. Бу даргоҳда эртамиз эгалари баркамол, соғлом вояга етиши, билим олиши, тил ўрганиши учун барча шароит яратилган.**

Шоира Фозилова халқ депутатлари шаҳар Кенгашига 23-Фузулий сайлов округидан депутат этиб сайланган. Мазкур ҳудудда унинг ташаббуси билан бошланғич партия ташкилоти тузилган. У БПТ фаолиятини ташкил этиш, аъзоларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, партия дастурий мақсадларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилишда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Депутат сифатида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларига таклифлар бериш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатларни тегишли идоралар ҳамкорлигида ўз вақтида ҳал этишда намуна кўрсатаяпти. Сайловчилар билан тез-тез учрашиб, уларни қийнаётган масалаларни ўрганиб, ечими юзасидан депутатлик сўровлари юбораяпти.

► *Давоми 2-бетда.*

**«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги**

***Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ***

Ҳокимнинг тақдимига биноан маҳаллий бюджет ва унинг ижросига доир ҳисоботни, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш қоидаларини тасдиқлаш;

ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа структуравий бўлинмаларининг ҳисоботларини тинглаш;

халқ депутатларининг сўровларини қараб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш, шунингдек, ўз ваколатларига берилган бошқа масалаларни ҳал қилиш **халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий ваколатларига киради.**

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

## Сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш

*масаласига бағишланди*

**БУГУН ҲАЁТИМИЗНИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ. ШУ БОИС ПАРТИЯ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА УЛАРДАН КЕНГ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК. БУ ТАДБИРЛАР ЖОНЛИ ВА ҚИЗИҚАРЛИ ЎТИШИГА, ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.**

ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши ташаббуси билан ўтказилган семинарда бу фикрлар алоҳида таъкидланди. Унда республика, туман ва шаҳар партия кенгашлари ходимлари, депутатлар, тарғиботчилар гуруҳи аъзолари ва фаоллар иштирок этди.

Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, тарғибот ишларини кучайтириш асосий вазифаларимиздан бири. Бу масалага янада жиддий ёндашишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилаяпти. Шундай экан, партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар мазмун-моҳиятини чуқур тушунтириш жараёнида замонавий усулларни қўллаш, сиёсий технологиялар, ахборот-коммуникация воситаларидан кенг фойдаланиш зарур, дейишди сўзга чиққанлар.

Семинар якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида кейинги режалар белгилаб олинди.

**Гулнора КАЛИМБЕТОВА**

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

**Электорат манфаатини ҳисобга олиш ва ҳимоя қилиш**

ЎзХДП фракцияси фаолиятининг асосига айланмоқда




**www.uzbekistonovozi.uz**

# Хизмат кўрсатиш ривожланади

**Диққат, янги рукн:**
**Партия гуруҳи сессияга масала киритди**

**Алишер ТОШМАТОВ,**
*ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:*



*Жорий йилнинг 17 февраль куни халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид бир қатор масалалар муҳокама этилди. Сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан* ***хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш орқали қишлоқ жойларда бандлик масаласини ҳал этишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш, бу борада депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини ташкил этиш*** *тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.*

*Биз ушбу масалани 20 январь куни партия гуруҳида муҳокама этдик ҳамда унинг аҳамиятини ҳисобга олиб, сессия кун тартибига олиб чиқишга қарор қилдик. Таклифимиз вилоят Кенгаши томонидан маъқулланди ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш юзасидан депутатлик гуруҳимиз ишлаб чиқиб таклиф этган Ҳаракат дастури тасдиқланди. Унга мувофиқ, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш даражасини янада ошириш, аҳолига янги, замонавий, сифатли хизмат турларини кўрсатиш, қишлоқ жойларида бандлик масаласини ҳал этиш, бу йўналишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлик самарадорлигини ошириш борасида муҳим вазифалар белгиланди. Мазкур масала бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг тегишли ҳисоботларини эшитиб бориш, унинг натижаларини вилоят Кенгашида ҳар чорак якунига кўра, муҳокама қилиш бўйича чоралар белгилаб олинди.*

*Хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш, қишлоқларда ижтимоий инфратузилмани замонавийлаштириш, бандлик масалаларини самарали ҳал қилишда, партиямиз дастурида белгиланган вазифалар амалга ошишида муҳим аҳамиятга эга.*

**Келгуси сонда:**

**Оилавий корхоналар ривожи аҳоли бандлиги даражасини ошириш, оилаларнинг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, умуман, мамлакатни тараққий эттиришда муҳим ўрин тутади.**

**Аммо мониторинг натижалари «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ижроси билан боғлиқ айрим муаммолар борлигини кўрсатмоқда...**

***Бу ҳақда газетамизнинг навбатдаги сонида ўқийсиз.***

Мамлакатимизда тобора чуқурлашиб бораётган демократик жараёнларнинг бугунги босқичи партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини кучайтиришни, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда ташаббускорликни оширишни талаб этмоқда

ЎзХДП: устувор вазифалар

# Электорат манфаати ҳимояси

## самарали бўлиши учун ҳаётни чуқурроқ ўрганиш, аниқ ташаббусларни кўпайтириш керак бўлади




Суратлар муаллифи: Хурсандбек АРАББОЕВ.

◄ Давоми. Боши 1-бетда.

Йиғилишда асосий эътибор Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида билдирилган фикрлардан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишга қаратилди.

— Мамлакатимизда тобора чуқурлашиб бораётган демократик жараёнларнинг бугунги босқичи партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини кучайтиришни, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда ташаббускорликни оширишни талаб этмоқда, — дейди **ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси Абдулҳамид Нурматов.** — Президентимиз маърузасида билдирилган фикрлар фаолиятимизни яна бир бор танқидий ўрганиб, тегишли хулосалар чиқаришни тақозо қиляпти. Аввало, жойлардаги турли ижтимоий масалаларни ҳал этишда партиямиз иштирокини таъминлаш керак. Бунинг учун партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлар ва депутатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш лозим.

Бугунги кунда халқ депутатлари Андижон вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ЎзХДП вакиллари бўлган 182 нафар депутат фаолият юритмоқда. Улар томонидан ўтган йил давомида 58 та депутатлик сўрови юборилди. Шунингдек, Ҳаракат дастурига асосан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва электорат манфаатларига дахлдор 9 та масала партия гуруҳларида, 9 та масала доимий комиссияларда муҳокама қилинди ва 4 та масала сессия кун тартибига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бироқ партиямиз ташкилий тузилмаси ва салоҳиятидан электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишда янада самаралироқ фойдаланишимиз лозим. Бу электорат, сайловчилар ишончини тўлақонли оқлашга хизмат қилади.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Алишер Тиллабоев** ЎзХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш механизмлари ҳақида тўхталди.

— Ўтган йили ЎзХДП ташкилотлари ҳамда гуруҳлари томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилди, — деди у. — Бу партия ташкилотлари ва гуруҳлари ҳамкорлигининг самараси, деб ўйлайман.

Гап шу ҳақида кетганда, Ҳаракат дастурига киритилган масалаларни ҳал этишни фақат партия гуруҳларининг ўзларига ташлаб қўйишни нотўғри, деб ҳисоблайман.

**ЎзХДП Асака туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Муйдинжон Дадажонов** партия гуруҳининг жорий йилдаги фаолияти асосий йўналишлари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирди.

— Жорий йилда олдимизда турган вазифалардан келиб чиқиб, партиямиз ўзини оқлаган, ижтимоий аҳамиятга эга мақсадли тадбирларни ўтказиш амалиётини янги мазмун билан бойитиши керак, деб ўйлайман, — деди у. — Хусусан, ҳудудий инвестиция ва маҳаллий ресурслар ҳисобига қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таклифларни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини асрашга қаратилган ишларни кучайтириш, депутатлик ва жамоатчилик назоратини такомиллаштириш масалаларида янада фаол бўлишимиз, энг муҳими, ўз позициямизни кўрсатишимиз талаб этилади.

Йиғилишда ибратли ташаббусларни ўрганиш бўйича семинарлар ташкил этиш, ЎзХДП туман, шаҳар кенгашлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини кучайтиришга қаратилган таклифлар билдирилди.

> Электорат манфаати ифода этилган масалалар, аввалАмбор, партиямизнинг бошланғич ташкилотларида, сўнг улар томонидан билдирилган таклифлар умумлаштирилиб, партия кенгашларининг Ижроия қўмиталарида кўриб чиқилиши зарур. Шундан кейин у халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги партия гуруҳлари, доимий комиссиялар мажлисларида кўриб чиқилса, сўнгра сессиялар кун тартибига киритилса, муайян масала юзасидан партиямизнинг позицияси, ҳаётий таклифлар шаклланади.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Бизнинг депутат

# Одамлар ташвиши билан яшаган инсон

## ҳамиша элнинг назарида бўлади

◄ Давоми. Боши 1-бетда.

*— Маҳалламизни ободонлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашда депутатимиз хизмати катта бўлмоқда, — дейди* ***«Заргарлик» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти етакчиси Анора Бойбобоева.*** *— Биргина якунланган йилда у маҳалламизда истиқомат қиладиган 76 нафар фуқаронинг мурожаат ва таклифларини ўрганган ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхона ва ташкилотларга 37 депутатлик сўрови юборди. Натижада мурожаат қилган 30 га яқин электорат вакилининг муаммоси ҳал бўлди. Депутатнинг ана шу саъй-ҳаракатлари, одамларга бераётган кўмаги натижасида фуқароларнинг партиямизга бўлган ишончи ошиб боряпти.*

Халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашининг 2013 йил 26 сентябрь куни бўлиб ўтган сессиясида партия гуруҳи ташаббуси билан Ҳаракат дастури доирасида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш масаласи муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинишига эришилди.

*— Масалани партия гуруҳи, кейинчалик доимий комиссия йиғилишида кўриб чиқиш, сессия муҳокамасига тайёрлашда Шоира Фозилованинг алоҳида фаоллик кўрсатганини айтиб ўтишни истардим, — дейди* ***ЎзХДП Жиззах шаҳар кенгаши раиси Носиржон Сиддиқов.*** *— Айни пайтда сессия қарори ижроси юзасидан ҳам қатъият билан иш олиб бормоқда. Бу борада сусткашлик ва масъулиятсизликка йўл қўяётган шаҳар «Иссиқлик манбаи» идораси, уй-жой коммунал департаменти, «Халқ банки» шаҳар бўлими, ободонлаштириш бошқармаси сингари корхона ва ташкилот раҳбарлари масъулиятини ошириш бўйича таъсирчан ва амалий чора-тадбирлар қўлланилишига ҳаракат қиляпти.*

*Бундан ташқари, у ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти шаҳар бўлими ишини жонлантириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорлик, касаначиликка жалб этиш бўйича ҳам аниқ режа асосида иш олиб боряпти.*

Шоира Фозилова халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси аъзоси сифатида йиғилишлар, сессияларга материаллар тайёрлаш, уларда электорат манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама этишда ташаббус кўрсатмоқда. Депутатнинг таклифи, фикр-мулоҳазалари ҳар доим кўпчиликда қизиқиш уйғотади, муҳим қарорлар қабул қилишга асос бўлади.

*— Одамлар ишончига муносиб бўлиш учун зиммамиздаги масъулиятни ҳис этиб ишлашимиз керак, — дейди* ***Шоира Фозилова.*** *— Улар билан учрашганимда, мулоқотда бўлганимда ўзимга ишончим ортади. Шу инсонлар менга суянади, ёрдам беришимни кутади, деган фикр тинчлик бермайди.*

*Бугун маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ишини тубдан кучайтириш, ҳудудларни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлашдаги иштирокини кенгайтириш борасидаги ҳуқуқий механизмлар мустаҳкамланмоқда. Энди депутатлар ўз ишига бўлган муносабатини ўзгартириши, янги талаблар асосида меҳнат қилиши керак.*

*Бугун уйғоқ, доимо сергак бўлган, ҳамиша одамлар ташвиши билан яшаган, ўзи ва ўзгаларга талабчан депутатгина эл назарида бўлади. Шу билан бирга, у номзодини кўрсатган партиянинг ҳам жамиятдаги мавқеи ошади, мамлакат тараққиётидаги иштироки кенгаяди.*

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП: электорат манфаати

# Астойдил интилган киши,

## албатта, бахтли бўлади

**«Бундан қирқ саккиз йил муқаддам автоҳалокатга учрадим. Ўнг оёғимнинг тиззадан пастки қисми кесиб ташланди. Бу мен учун даҳшатли воқеа эди. Ўшанда тўққиз ёшли қизча қанчалар изтиробга тушганини тасаввур қила оласизми?..»**

Фарида Ҳамроева ўзининг ўтган кунларини хотирлар экан, унинг овозида ҳасрат, нолиш оҳанги сезилмади. Дарҳақиқат, Фарида опа бошига тушган синовдан енгилмади, ҳаётда ўз ўрнини топиш учун курашиб яшади.

— Дастлаб руҳий тушкунликка тушдим, кейинчалик ўзимни ўнглашга уриндим, — дейди у. — Ахир юрагим соғ, бошим омон, онгим уйғоқ эди. Мен яшаяпман, қўлларим ҳали кўп ишга қодир, дедим. Беҳудага ғам-алам чекмасдан, бор имкониятдан фойдаланишни мақсад қилдим. Шундай фикрлар билан чеварликни ўргандим. 30 йил тикиш-бичиш билан шуғулландим. Ўз тақдиримдан шуни англаб етдимки, ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон бахтли бўлиши мумкин экан. Фақат астойдил интилиш ва меҳнат керак.

Бугун кўзимнинг оқу қароси — 4 нафар фарзандимнинг чеҳрасида, 6 нафар қақажон набирам кулгусида бахтни туяман.

Ҳаётда одамга энг кераги эътибор экан. Давлатимизнинг ғамхўрлигини доимо ҳис қилиб тураман...

Мамлакатимизда имконияти чекланган аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида этибор берилади. Жисмоний, ақлий, руҳий ва сезги нуқсонлари туфайли турмуш фаолияти чекланган ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар соғлиғини тиклаш, шу жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканини ҳис қилиб яшаши учун барча шароитлар яратиляпти. Бу борада Президентимизнинг 2011 йил 30 майдаги «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Қарорда тиббий-ижтимоий реабилитация чораларини янада кучайтиришга доир бир қатор вазифалар кўзда тутилган.

— Туманимизда 2014 йил 1 февраль ҳолатида 3992 нафар ногирон бўлиб, улардан 443 киши I гуруҳ, 3149 нафари II гуруҳ, 400 нафари III гуруҳ ногиронидир, — дейди **Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Чилонзор туман бўлими бошлиғи Отабек Сафаров.** — Албатта, улар кўмакка, моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлашга кўпроқ эҳтиёж сезади. Ҳамма қатори мазмунли, бахтли-саодатли яшашга интилади. Биз эса ваколатимиз доирасида улардан ёрдамимизни аямасликка, нафақаларини ўз вақтида етказиб беришга ҳаракат қиламиз.

— Туманимизда ногиронлар Фуқаролар тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ва тиббий-маслаҳат комиссияси хулосаси асосида протез-ортопедия маҳсулотлари ҳамда реабилитация техник воситалари билан бепул таъминланади, — дейди **Чилонзор туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг ижтимоий ёрдам кўрсатишни таъминлаш бўлими бошлиғи Раъно Алимова.** — Уларнинг яроқлилик кўрсаткичларига қараб алмаштириш муддатлари белгиланган. Шунга кўра, бу воситаларга эҳтиёжи бор кишилар сони ўзгариб туриши мумкин. Ҳар йилнинг бошида улар умумий сони аниқланиб, йил давомида зарур воситалар етказиб берилади.

> **Ахир юрагим соғ, бошим омон, онгим уйғоқ эди. Мен яшаяпман, қўлларим ҳали кўп ишга қодир, дедим. Беҳудага ғам-алам чекмасдан, бор имкониятдан фойдаланишни мақсад қилдим. Шундай фикрлар билан чеварликни ўргандим. 30 йил тикиш-бичиш билан шуғулландим.**

Маълумотларга қараганда, 2013 йил давомида туманда 5 та болалар учун, 1 та катталар учун ногиронлар аравачаси, 10 та эшитиш мосламаси, 9 та қўлтиқтаёқ, 15 та ҳасса ўз эгаларига топширилган. Шунингдек, ўтган йили 110 нафар ногирон 218 та протез-ортопедия маҳсулоти билан таъминланди. Бундан ташқари, ўтган йили 285 нафар ногирон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказида малакали шифокорлар кўмагида соғлиғини тиклади.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида «Ногиронларни реабилитация қилишнинг мақсади ногиронларга тўлақонли турмуш кечириш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш имконини берувчи ижтимоий мақомини, ўзига ўзи хизмат кўрсатишга ва касбий фаолиятнинг ҳар хил турларига доир қобилиятларини тиклашдан иборатдир», деб белгилаб қўйилган.

Қонун билан яратилган кафолатлар, имтиёзлар туфайли II гуруҳ ногирони Раҳмонберди Ҳусанов ҳам реабилитация техник воситаси билан таъминланади, ҳар йили икки марта Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказида соғлиғини тиклайди.

— Ёшлигимда, кучга тўлган вақтимда бу хасталик мен билан бирга яшаётганини билмаган эканман, — дейди у. — Соппа-соғман, деб юраверганман, ҳеч нарсани сезмаганман. Ўн йил олдин шифокорлар икки томонлама диспластик кохсартроз ташхисини қўйишди. Туғма ногирон эканлигим ҳақидаги хабарни эшитиб, аввалига эсанкираб қолдим. Бу дарддан қутилишнинг имкони йўқ. Аммо бундан буёғига ҳам яшашим керак. Айни пайтда саломатлигимга кўпроқ эътибор талаб этилади. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази менга яқиндан ёрдам бериб келяпти. Яқинда муолажалар учун навбатдаги ордерни олдим. Хизматларнинг сифатли ва бепул экани биз учун бир қанча қулайликлар туғдиради. Энг асосийси, ҳар доим эътиборда эканлигимдан суюнаман.

Инсон қандай ҳолатда бўлмасин, у бахтли бўлишни чин дилдан истаса, шубҳасиз, муродига етишини Раҳмонберди аканинг очиқ чеҳрасидан ҳам билиш мумкин.

— Раҳмонберди ака ҳозирда тўрт фарзанднинг отаси, етти нафар набиранинг севимли буважониси, — дейди **Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мутахассиси Камола Ёқубова.** — У ҳаётидан нолимайди, умрини беҳудага сарфламаганидан мамнун. Мен боримча, шу ҳолимда ҳам бахтлиман, деб кўп таъкидлайди. У кишининг руҳий тетиклигини кўриб қойил қоласан киши.

Ҳа, инсон иродаси жамики дори-дармондан қудратлироқ эканига қаҳрамонларимиз ҳаёти мисолида қайта-қайта амин бўлдик.

— Ногиронларнинг саломатлигини тиклаш, уларни ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, хулқ-атворини назорат қилиш, ўқиш ва бошқа қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар туфайли имконияти чекланган кишилар ҳам жамиятда ўз ўрнини топиб ҳаёт кечирмоқда, — дейди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси Чилонзор туман кенгаши раиси Рашид Муҳиддинов.** — Улар манфаатини ҳимоя қилиш фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидандир. Шу боис, уларни имконияти даражасидаги иш билан таъминлаш, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик доирасида ижтимоий хизматлар сифатини янада ошириш бўйича аниқ таклифларни илгари суришимиз керак. Зеро, биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат, одил фуқаролик жамиятида аҳоли барча қатламларининг орзу ва интилишлари рўёбга чиқиши зарур.

**Наргиза ҲУСАНОВА**

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

**Бугун мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида сиёсий партияларнинг етакчи кучга айланиб бораётгани кадрлар зиммасига катта масъулият юклайди. Кадрлар ҳар жиҳатдан билимли ва салоҳиятли бўлса, партия фаолияти кучаяди, жамиятдаги таъсир кучи ошади.**

# Кучли партия

## кучли кадрлар ҳисобига шаклланади

Жиззах вилоятида ЎзХДПнинг 425 та бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда. Уларда партиянинг 15274 нафар аъзоси бирлашган. Шундан 4 мингдан ортиғини 18 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Вилоят партия кенгаши туман, шаҳар кенгашлари вакиллари билан биргаликда кадрлар захирасини тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиққан. Бунда асосий эътибор бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, тарғибот-ташвиқот тадбирлари самарасини ошириш, хайрихоҳ ёшлар сафини кенгайтириш масалаларига қаратилаяпти.

— Малакали, салоҳиятли кадрлар мақсад ва интилишларимизга эришишнинг муҳим омилидир, — дейди **вилоят партия кенгаши раиси Мўътабар Каримова.** — Партия ташкилотларида фаолият кўрсатаётган кадрлар ташаббускор, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол, билимли бўлса, партиямизнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш кафолати мустаҳкам бўлади. Бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, улар атрофида бирлашган энг фаол аъзолар, партиянинг жамоатчилик ишларида ҳамкорлик қилаётган хайрихоҳлар кейинчалик партия фаолиятига жалб этилиши муҳим аҳамиятга эга. Кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш мақсадида туман ва шаҳарларда кадрлар тайёрлаш, улар тажрибасини ошириш масаласига бағишланган давра суҳбатлари ташкил этаяпмиз. Кадрлар билан ишлаш, уларнинг сиёсий билими ва фаоллигини ошириб бориш фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

— Сафимиздаги ёшларнинг билим ва салоҳиятини оширишда ахборот-ресурс марказлари имкониятларидан кенг фойдаланиш яхши самара беради, — дейди **ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Жиззах вилоят бўлими етакчиси Азамат Ҳасанов.** —Келгусида депутатликка номзодлар, партия ташкилотларида етакчилик қиладиган кадрлар бугунги ёшлар орасида шаклланар экан, демак, уларнинг сиёсий билимини ошириш масаласи долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

Ҳар бир партиянинг кучи, салоҳияти кадрлар билими, малакаси ва фидойилигига боғлиқ. Демак, кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш ишлари партия ташкилотларининг доимий диққат марказида бўлиши керак.

**Ҳаёт ХИДИРОВ**

O`ZBEKISTON OVOZI
• 2014-yil, 25-fevral.
Seshanba • 25 (31.772)-son
www.uzbekistonovozi.uz



Ижтимоий ҳимоя

# Ипотека кредити кимларга берилади?

**Давлатимиз раҳбари ҳамда ҳукуматимиз томонидан ёш оилаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Таҳририятга мурожаат қилаётганларнинг кўпчилиги ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш учун банклар томонидан бериладиган кредитни олиш тартиби, миқдори, имтиёзлари хусусида маълумот беришимизни сўраган. Шу мақсадда мухбиримиз «Ипотека-банк» АТИБ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Равшан БАҲРОМОВ билан суҳбатлашди.**





(ЎзА) олган суратлар.

***— Аввало, кредитлар қандай ёш оилаларга ажратилиши тўғрисида маълумот берсангиз.***

— Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идораларида никоҳлари рўйхатга олинган, ҳар иккиси биринчи марта расмий никоҳда бўлган ҳамда ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, доимий иш жойига ва ўз фаолияти натижасидан олинадиган даромадга ёки бошқа расмий манбаларига эга бўлган ёш оилаларга ипотека кредитлари ажратилади.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ўтган 2013 йил давомида биргина банкимиз томонидан 446 нафар ёш оилага жами 32 миллиард 138 миллион 800 минг сўм миқдорида ипотека кредитлари берилди.

Банк томонидан ажратилаётган ипотека кредити миқдори ҳам кўпчиликни қизиқтириши табиий. Якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратиладиган кредитнинг энг кўп миқдори мамлакатимизда белгиланган амалдаги энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 баробаригача, якка тартибдаги уй-жойни реконструкция қилиш ҳамда якка тартибдаги уй-жой ёки кўп қаватли уйдан квартира сотиб олиш учун ажратиладиган кредитнинг энг кўп миқдори республикамизда белгиланган амалдаги энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 баробаригача белгиланган.

***— Уй-жойга эҳтиёжи бор ёш оила банк муассасасига қандай ҳужжатларни топшириши лозим?***

— Ипотека кредитини олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

кредит олиш учун кредит суммаси кўрсатилган ариза, қарз олувчининг паспорти асл нусхаси ҳамда яшаш жойидан берилган оила таркиби тўғрисидаги маълумотнома, қарз олувчи томонидан охирги 12 ойда асосий ва қўшимча иш жойидан олинган даромадлар ва ушланмалар миқдори ҳақида маълумотнома ёки қарз олувчи (алоқадор қарз олувчи) яшаш жойи бўйича солиқ идоралари томонидан тасдиқланган даромадлари ҳақидаги декларациялар нусхаси, қарз олувчининг бошланғич бадаллар тўлаганлигини тасдиқловчи квитанция, ҳовли-жой ёки квартирани сотиб олиши учун тузилган (бошланғич) шартнома, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идораларидан биринчи маротаба расмий никоҳдан ўтганлигини тасдиқловчи маълумотнома ҳамда никоҳ расмийлаштирилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси, иккиламчи бозордаги ҳовли-жой ёки квартира сотиб олинаётганда уларнинг қиймати бўйича амалдаги қонунчиликка асосан мустақил баҳоловчининг баҳолаш ҳисоботи ва ниҳоят, ҳовли-жой сотиб олинаётганда ҳудуд архитектура бошқарма (бўлинма)си томонидан кредит ҳисобига сотиб олинаётган ҳовли-жой бузилмаслиги ҳақидаги маълумотнома.

***— Ушбу кредит ёш оилага неча йил муддатга берилади, унинг йиллик фоизи қандай белгиланган?***

— Қарз олувчининг ўз маблағлари миқдоридан қатъи назар (лекин уй-жой қийматининг 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда) ипотека кредити 15 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр билан банкнинг ўз маблағлари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан ажратилади. Ёш оилаларга бериладиган ипотека кредитлари йиллик фоиз ставкаси кредит ажратиш санасидаги Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкаси миқдорида (бугунги кунда йиллик 10 фоиз) амалга оширилади.

***— Кредит олиш учун қандай мулк ва воситалар гаровга қўйилиши мумкин?***

— Бу ҳолатда ипотека кредити таъминотига сотиб олинаётган ҳовли-жой ёки квартира гаров сифатида қабул қилинади, холос.

***— Яна бир савол. Қандай ҳолларда ёш оилаларга имтиёз бериш кўзда тутилган?***

— Қарз олувчининг кредити бўйича ойлик тўловларни сўндириш учун йўналтирилган даромадлари, шунингдек, корхоналарнинг қайтиб олмаслик шарти билан ёш оилалар тоифасига кирувчи ўз ходимларига ипотека кредитининг бошланғич бадалини тўлаган даромади ҳам солиққа тортилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишим жоизки, агарда кредит ҳисобига харид қилинган ҳовли-жой ёки квартира сотиб олинган кундан бошлаб 5 йил ичида сотилса, ушбу давр мобайнида ёш оиланинг кредитни сўндириш учун йўналтирилган даромадлари белгиланган тартибда жисмоний шахслар даромадларига олинадиган солиққа тортилади.

Шубҳасиз, ёш оилаларга ажратиладиган ипотека кредитлари ёш оилаларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган бўлиб, уларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ суҳбатлашди.**

Реклама ўрнида

## «ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ:

## ЮРТ ОБОДЛИГИ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ХИЗМАТИДА

ASIA ALLIANCE BANK



**Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари» тўғрисидаги қарори «ASIA ALLIANCE BANK» очиқ акциядорлик тижорат банкининг фаоллиги ва барқарорлигини оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.**

2009 йилнинг сентябрь ойидан ўз фаолиятини бошлаган мазкур молия муассасаси қисқа вақт ичида мижозларнинг ишончли ҳамкорига айлана олди. Бу йўлда унга шубҳасиз, тўғри танланган стратегия, изчил молиявий сиёсат, бизнес соҳасидаги халқаро тажрибадан оқилона фойдаланиш жуда қўл келмоқда, десак хато бўлмайди. Бу эса табиийки, банкнинг кредит қобилияти ва ликвидлик даражаси юқорилигини сақлашга имкон бермоқда. Мижозлар ишончи, оқилона кредит сиёсати, хизматлар сифатини оширишга бўлган доимий эътибор «ASIA ALLIANCE BANK» фаолиятида ҳар доим устувор аҳамиятга эга.

Эътиборлиси, молия муассасаси мижозларга яқинроқ бўлишга, имкон қадар улар эҳтиёжларини ўз вақтида қондириш учун ҳаракат қилмоқда. Бу ўз вақтини қадрловчи ва бизнесини янада ривожлантиришга интилаётган юртдошларимиз учун жуда муҳимдир. Қолаверса, мамлакатимизда имкон қадар қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилаётган чора-тадбирлар ҳам тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштиришни, уларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишни, йўналтираётган кредитлар ҳажмини кўпайтиришни тақозо этмоқда.

Капитал ва депозит базасини мустаҳкамлаб борган ҳолда банк мижозларга кредит ва лизинг хизматлари кўрсатиш ҳажмини фаол ошириб бораяпти. Банкнинг жами кредит қўйилмалари 2013 йил давомида 103,5 млрд. сўмга ўсиб, 2014 йил 1 январь ҳолатига 205,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Таъкидлаш жоизки, кредит портфели таркибида ишлаб чиқариш тармоқлари, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кредитлар устувор аҳамиятга эга бўлган.

Банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш бўйича дастур ишлаб чиқилган. Унинг доирасида иқтисодиётнинг реал секторида бевосита банд бўлган, илғор технология ва техникани қўллаган ҳолда ишлаб чиқариш соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар молиявий жиҳатдан фаол қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги «Arge Fashion» МЧЖ фикримизга мисол бўла олади. Ўтган йилнинг

**Банкнинг жами кредит қўйилмалари 2013 йил давомида 103,5 млрд. сўмга ўсиб, 2014 йил 1 январь ҳолатига 205,5 млрд. сўмни ташкил қилди.**

июль ойида банк томонидан ажратилган 500 миллион сўм миқдоридаги кредит ҳисобига корхона тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун хомашё сотиб олди.

**Натижада болалар ва катталар учун 200 дан ортиқ турдаги кийим-кечак ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 300 та иш ўрни яратилди. Коллеж битирувчиларидан 10 нафардан ортиғи иш билан таъминланди. Маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми ва географияси кенгайди.**

— Банкнинг молиявий кўмагида хомашё сотиб олганимиз корхонамиз ривожини янги босқичга олиб чиқди, — дейди корхона бош директори ўринбосари Зафаржон Тоғаев. — Бунинг натижасида олинаётган барқарор даромад ҳисобига моддий-техника базамизни такомиллаштириб, ишчи-хизматчиларимизнинг меҳнат ва дам олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратмоқдамиз.

Шуни айтиш керакки, банкнинг стратегиясида тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, банкнинг Қарши шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Дилноза» МЧЖ билан самарали ҳамкорлигини мисол келтириш мумкин. Ўтган йили банкнинг иккита кредит линияси бўйича ушбу жамиятга жами 177 миллион сўм миқдордаги кредитлар ажратилди. Молиявий кўмак ҳисобига ишлаб чиқариш учун бинолар ва ускуналар харид қилинди. Бугунги кунда корхонада таъмирлаш ва биноларни ишлаб чиқаришга мослаш, ускуналарни ўрнатиш бўйича ишлар якунига етмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу ерда нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш режалаштирилган.

— «ASIA ALLIANCE BANK» кредитлари ҳисобига қўшимча бешта иш ўрни яратилди, олинган ишлаб чиқариш ускуналари эса ривожланишнинг янги босқичига чиқиш ҳамда фаолиятимиз соҳасини кенгайтириш имконини берди, — дейди корхона директори Саодат Ражабова.

Банк томонидан ёш оилаларга оилавий бизнесни ривожлантириш, коллеж битирувчиларига эса бошланғич сармояни шакллантириш ва ўз ишини ташкил этиш учун кредитлар ажратиш ҳам кўзда тутилган. Банкнинг Қарши филиали томонидан Қарши шаҳри Марказий деҳқон бозорида тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган Достон Фахриддинов банкнинг 30 миллион сўмлик кредити ҳисобига аҳолига арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, «ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларда фаол иштирок этиш, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

**Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**




## Совуқ ҳавода



### ортиқча вазндан халос бўлиш осон

Сидней университети олимлари таъкидлашмоқдаки, ортиқча вазндан халос бўлишни истовчилар тренажёр залларига бориб, соатлаб жисмоний машқ бажариб, ўзини чарчатиши шарт эмас. Атиги минус 15 даражали совуқда кунига 10-15 дақиқа давомида сайр қилишнинг ўзи кифоя экан.

Бу тадбир жисмоний машғулот пайтида организмда кузатиладиган гормонал ўзгаришларни юзага чиқараркан. Ушбу ўзгаришлар организмда «қўнғир ёғ» деб аталувчи модда ишлаб чиқаришга замин яратади. У эса организмда энергия сарфини мўллаштиради. Натижада тана вазн йиғмайди, балки йўқотади.

Тадқиқот раҳбари Пол Лининг айтишича, дея хабар беради «Daily Telegraph» газетаси, 50 грамм «қўнғир ёғ» организмни бир кунда 300 калорияга тенг энергия сарфлашга мажбур этади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, организм совуқдан қалтираган пайтда мускуллар икки тур гормон ишлаб чиқаради: ирисин ҳамда FGF21. Бу гормонлар танадаги «ёмон оқ ёғ»ни «яхши қўнғир ёғ»га айлантиради.

## Автомобилни масофадан ўт олдириш



### эгасининг ҳаётига зомин бўлди

Бугунги кунда техника-технология жуда ривожландики, бу барчамизга қулайлик ва енгилликлар туғдирмоқда. Уй-рўзғор анжомлари у ёқда турсин, ҳатто саноат техникалари ҳам масофадан туриб бошқарилмоқда. Шу жумладан, автомобиллар ҳам сиз уйдан кийиниб чиққунингизга қадар автоматик равишда ўт олиб, юришга шай бўлиб туради.

Аммо бу технология бир аёлнинг ҳаётига зомин бўлди.

«Новости» ахборот агентлиги хабар беришича, Самара шаҳрида яшовчи 30 ёшли аёл автомобилини масофадан туриб ўт олдирмоқчи бўлган. Бироқ кутилмаганда тезликни алмаштириш қутиси ишлаб кетиб, машина қўзғалган ва ўз эгасини босиб кетган.

Реклама

## Экспорт салоҳияти ошади

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилинди.***

Қарорда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг тижорат таклифларини хорижий ҳамкорларга етказиш ва экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида ҳудудда фаолият кўрсатаётган 1174 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ассортименти ва турлари тизимли асосда таҳлил қилинди. Ташқи бозорлардаги рақобатбардошлик даражаси аниқланди. Тегишли маълумотлар базаси шакллантирилди. Бунинг асосида экспортбоп маҳсулотлар тайёрловчи корхоналарнинг 2014 йилда экспорт прогнозлари белгиланди. Шунингдек, бу йил жамғарма томонидан кўрсатиладиган манзилли кўмак натижасида кимё, озиқ-овқат, текстиль, пластмасса, пойабзал, қурилиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш режалаштирилди. Жорий йилнинг 1-чорагида ушбу таҳлилда келтирилган ишбилармонларга жамғарма кўмагида 11061 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш кўзда тутилган. Бу янги-янги иш ўринлари дегани.

Бу йил филиалимиз томонидан 11 та хорижий кўргазма ва ярмаркаларда маҳаллий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иштирокини ташкиллаштириш режасини туздик. Бундан ташқари, Ўзбекистон банклар ассоциацияси билан биргаликда жорий йилда тадбиркорларнинг экспорт йўналиши бўйича малакасини ошириш мақсадида хориждан юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда семинар ва тренинглар ташкил қилиш ниятидамиз.

**Шерзодбек ҚОБИЛОВ, Жамғарманинг Андижон филиали директори.**

Ўз касбига фидойи, малакали шифокорларнинг кеча-кундуз чақалоғим бошида туриб, меҳр билан даволашлари натижасида у бир ой ичида ҳаётга қайтди

**2014 йил — Соғлом бола йили**

# Бола кулгуси она қалбини яшнатади



**СУРАТДА:** марказнинг тажрибали шифокорларидан Хосият Исмоилова.

**Хоразм вилоят Перинатал марказига кираётиб кўзингиз қувнайди, дилингиз ёришади. Қишу ёз бир хил, яшиллик касб этган субтропик кичик ўрмонзор ҳар бир кишига завқ бағишлаши табиий, албатта.**

Ушбу даргоҳ барча тиббий ва санитария талабларига жавоб берадиган жаҳон андозалари даражасида тўла реконструкция қилинди. Унда ўн иккита бўлим мавжуд. Олтмиш ўринли ҳомиладорлик патологияси, қирқ беш ўринли туғуруқ бўлими, ўн беш ўринли чақалоқлар патологияси, ўттиз беш ўринли гинекология ҳамда чақалоқларни жонлантириш бўлими энг замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминланган. Бу ерга 350 минг АҚШ доллари миқдорида сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар келтирилган.

Марказда 92 нафар врач беморлар хизматида. Уларнинг 75 фоизи касбий тоифага эга.

— Марказимизга вилоятнинг барча шаҳар, туманларидан аёллар ва чақалоқлар қабул қилинади, — дейди **марказ бош шифокори Гулсара Қурбонбоева.** — Масалан, биргина ўтган йилда 15884 нафар бемор қабул қилинди. Улардан туғуруқ бўлимига 7775 нафар аёл, гинекология бўлимига 1856, асоратли чақалоқлар бўлимига 853 нафар бемор келтирилди. Яратилган шароитлар боис уларнинг барчасига сифатли тиббий ёрдам кўрсатилди.

Марказда маслаҳат диагностика ва лаборатория бўлимлари ҳам фаолият юритмоқда. Ташкил қилинган гемостазиологик бригада эса вилоятнинг қайси манзилида бўлмасин она ва бола саломатлигини асраш, ҳомиладор аёлларга тезкор ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган. Бундан ташқари, Президентимизнинг «Соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорининг ижроси юзасидан штаб тузилган. Унинг қатъий режа ва график асосида иш олиб бориши туфайли вилоятнинг энг чекка ҳудудида яшовчи ҳомиладор аёлларга ҳам ўз вақтида тез тиббий ёрдам кўрсатилиши йўлга қўйилган.

«Чекка туманда яшайман. Чақалоғим асоратли туғилди. Шифокорлар фарзандимни вилоят Перинатал марказига олиб бориш зарурлигини айтишди. Марказнинг ўз касбига фидойи, малакали шифокорларининг кеча-кундуз чақалоғим бошида туриб, меҳр билан даволашлари натижасида у бир ой ичида ҳаётга қайтди. Ҳозир тўрт мучаси соғ. Умрим бўйи улардан миннатдорман!»

Бу боғотлик Сўнажон Рўзиматованинг дил сўзлари. Ҳа, мурғак чақалоғига ҳаёт бахш этган, унинг лабларига кулгуни қайтарган инсонларни она унутармиди! Бундай миннатдорлик изҳорларини яна кўплаб келтириш мумкин.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



# Китоб — бебаҳо хазина

**Фарғона шаҳридаги 9-умумтаълим мактаби кутубхонаси ҳамиша ўқувчилар билан гавжум. Бой китоб фондига эга кутубхона замонавий технологиялар билан жиҳозланган.**



— Китоб — инсонни камолотга етакловчи хазина, ўтмиш, бугун ва келажакни боғлаб турадиган восита, — дейди мактаб кутубхоначиси Нигора Ҳасанова. — Кутубхонамизда китобхонлар учун барча шароитлар яратилган.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

**Соғлом миллат — соғлом келажак**

**Яқинда Шўрчи туманидаги 15-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида янги стадион ва спорт мажмуаси ёшлар ихтиёрига топширилди. Минг ўринга мўлжалланган иншоотни бунёд этишда Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 1,5 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Қурилишни Термиз шаҳридаги «Ҳилола-Б» кўп тармоқли хусусий фирмаси жамоаси амалга оширди.**

# Замонавий спорт иншоотлари

*фойдаланишга топширилди*



— Яқин-яқингача бу ерлар қаровсиз ва ташландиқ жой эди, — дейди **15-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси, ЎзХДП аъзоси Муҳаммади Тўрақулов.** — Шароитимиз етарли бўлмагани учун тарбияланувчилар мактабларда машғулот олиб борарди. Бу эса кўплаб қийинчиликларни келтириб чиқарарди. Замонавий, жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган ушбу иншоотларнинг иш бошлагани эса нафақат келажагимиз эгалари, балки устозлар ва ота-оналар учун ҳам айни муддао бўлди.

Мажмуада футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, югуриш йўлаклари бор. Ювиниш-ечиниш хоналари ва сузиш ҳавзаси бунёд этилиб, улар жиҳозлар билан таъминланди.

Бу кўркам мажмуа шўрчилик ёшларнинг севимли масканларидан бирига айланиши муқаррар.

**Ўз мухбиримиз.**

**Паралимпия**

# Спортчимиз Осиё рекордини ўрнатди

**Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида паралимпиячилар ўртасида давом этаётган енгил атлетика бўйича Гран-при турнирида спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этишмоқда.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, жисмоний имконияти чекланган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, ёш спортчиларнинг иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилаётган доимий эътибор юксак самара бераётир. Бу ўзбекистонлик паралимпиячиларнинг халқаро мусобақалардаги ғалабаларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциациясидан олинган маълумотларга кўра, Дубайда дунёнинг қирққа яқин давлати вакиллари иштирок этаётган турнирда Ватанимиз шарафини саккиз нафар паралимпиячимиз ҳимоя қилмоқда.

Мусобақанинг эркаклар ўртасидаги 1500 метр масофага югуриш баҳсида ҳамюртимиз Фахриддин Ҳамроев 4 дақиқаю 03,94 сония натижа билан шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди ва Осиёнинг янги рекордини ўрнатди. Яна бир спортчимиз Убайдулла Имомқулов 800 метр масофага 2 дақиқаю 07,20 сонияда югуриб, олтин медалга сазовор бўлди.

Ғолиб спортчиларимиз шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Узунликка сакраш баҳсида жаҳон чемпионати совриндори Дониёр Солиев 6,56 метрга сакраб, кумуш медални қўлга киритган бўлса, Миран Сахатов 5,49 метр натижа билан тўртинчи ўринни эгаллади.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Реклама**

XALQ BANKI

STANDARD & POOR'S RATINGS SERVICES

Халқаро рейтинг агентлиги
2014 йил январь ойида

Ўзбекистон Республикаси
Давлат-тижорат Халқ банкининг

халқаро кредит рейтингини

B+/B
«Барқарор»

даражасида қайта тасдиқлади

**Кўргазма**

# Ватан сувратлари

**Камолиддин Беҳзод номидаги меъмориал боғ музейида ёш ҳайкалтарошлар Баҳром Норбоев, Жонибек Ҳотамов ва Камолиддин Раҳматовнинг графика ва ҳайкалтарошликда яратган ижод намуналари намойиши бўлди.**



«Истиқлол куртаклари» деб номланган илк кўргазмада ёш ижодкорлар юздан ортиқ асарлари билан қатнашди.

— Юртимизда ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятини тўла намоён этиши учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди ҳайкалтарош Азамат Ҳотамов. — Мазкур кўргазма ҳам иқтидорли ёшларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилди. Кўргазмадаги барча композицияларни жамлаганда ҳар бирида жуфтлик, яъни оила рамзи ифода этилганини кўришимиз мумкин. Биласиз, халқимизда оила — бахт қўрғони, бахтиёрлик, тинчлик ва фаровонлик белгиси.

— Асарларим халқимиз тафаккур ва турмуш тарзи билан чамбарчас боғланган. Масалан, от — вафодорлик, садоқат рамзи, тақа эса қут-баракани англатади, анор азал-азалдан серфарзанд оила рамзи ҳисобланади, — дейди ёш ижодкор Жонибек Ҳотамов. — Отам доим нимани хоҳласанг ўшани ярат, дейдилар. Ўзим туғилган маскан Сурхондарёнинг гўзал табиати, ёшлигим ўтган қирадирларни кўп соғинаман. Айниқса, отлар сайри, яйловдаги улоқлар... Мен юртимнинг суратларини акс эттиришга ҳаракат қилдим.

**Ўз мухбиримиз.**

**ОБ-ҲАВО** *25-26 – 02. 2014*

*Юртимиз бўйлаб (°C)*

| | | |
|---|---|---|
| *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти* | -13 / -18 | -2 / -7 |
| *Бухоро ва Навоий вилоятлари* | -5 / -10 | -5 / -10 |
| *Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари* | -2 / -7 | +3 / +8 |
| *Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари* | -2 / -7 | +8 / +13 |
| *Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари* | -2 / -7 | +2 / +7 |
| *Тошкент шаҳри* | -5 / -7 | +4 / +6 |

*Дунё бўйлаб (°C)*

| | |
|---|---|
| Лондон | +11 / +10 |
| Париж | +12 / +11 |
| Москва | +1 / -1 |
| Мадрид | +14 / + 13 |
| Пекин | +5 / +8 |
| Канберра | +23 / +24 |
| Токио | + 13 / +14 |
| Стокгольм | + 6 / +4 |
| Кейптаун | +29 / +36 |
| Қоҳира | +24 / +27 |
| Гавана | +30 / +31 |
| Вашингтон | +4 / +4 |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 260
22082 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.25
Topshirilgan vaqti — 01.35

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5